

Боқий фикр

Маънавият — инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди.

Ислом КАРИМОВ



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqra boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2013-yil 19-yanvar, shanba №6 (8551)

БОШ МАҚСАДИМИЗ — КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ЙЎЛИНИ ҚАТЪИЯТ БИЛАН ДАВОМ ЭТТИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING MAJLISI TUGRISIDA AXBOROT

Хурматли мажлис иштирокчилари!

Вазирлар Маҳкамасининг бугунги кенгайтирилган мажлиси кун тартибига қўйилган асосий масала — бу Ўзбекистоннинг 2012 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш яқунларини муҳокама этиш ва 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларини тасдиқлаб олишдан иборат.

Ўтган йил яқунларини сарҳисоб қилар эканмиз, авваламбор шунга таъкидлашимиз керакки, глобал жаҳон иқтисодиётида ҳали-бери сақланиб қолаётган жиддий муаммоларга қарамадан, 2012 йилда Ўзбекистон ўз иқтисодиётини барқарор суръатлар билан ривожлантириши давом эттирди, аҳоли турмуш даражасини изчил юксалтириши таъминлади, дунё бозоридаги ўз позициясини мустаҳкамлади.

Бу даврда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8,2 фоизга ўсди, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 7,7 фоизга, қишлоқ ҳўжалиги 7 фоизга, чакана савдо айланмаси ҳажми 13,9 фоизга ошди.

Макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодиётнинг мутаносиблиги таъминланди.

Экспорт ҳажми сезиларли равишда, яъни 11,6 фоизга ўсди, экспорт қилинаётган маҳсулотлар таркиби ва сифати яхшиланиб бормоқда. Бунинг натижасида хомашё бўлмаган тайёр товарларнинг улуши 70 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда. Ташқи савдо айланмасидаги ижобий сальдо 1 миллиард 120 миллион доллардан ошди.

Инфляция даражасининг ўсиш суръати прогноза кўрсаткичлари доирасида сақлаб қолинди ва 7 фоиздан ошмади.

2012 йилда солиқ юкини камайтириш сиёсати давом эттирилди. Кичик корхона ва

микрофирмалар учун ягона солиқ тўлови ставкалари 6 фоиздан 5 фоизга туширилгани, яқка тартибдаги тадбиркорлар учун белгиланган солиқ ставкаси эса сезиларли тарзда, яъни ўртача икки баробар камайтирилгани буни яққол тасдиқлайди.

Шуларга қарамадан, давлат бюджетининг даромадлар қисми бўйича кўрсаткичлари тўлиқ бажарилди, эришилган профити ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,4 фоизни ташкил этди.

Давлат жами харажатларининг асосий қисми, яъни қарийб 59,2 фоизи ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирларини амалга оширишга қаратилди, унинг 34 фоиздан ортиги таълим, 14,5 фоиздан кўпроги соғлиқни сақлаш соҳаларини молиялаштиришга йўналтирилди.

Бугунги кунда, дунёнинг қўллаб мамлакатларида давлат қарзининг ортиб бориши билан боғлиқ муаммолар сақланиб қолаётган бир шароитда, Ўзбекистонимиз четдан қарз олиш бўйича пухта ўйланган сиёсат олиб бориши натижасида давлатимиз қарз ҳажмининг улушини нисбатан паст даражада ушлаб қолишга ва ўз мажбуриятларига тўлиқ жавоб берадиган мамлакат сифатида барқарор обрў-эътиборини сақлаб қолишга эришди. 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистоннинг жами ташқи қарзлари миқдори ялпи ички маҳсулотга нисбатан 16,0 фоиздан ошмагани, бу кўрсаткич эса халқаро мезонлар бўйича "ўртачадан ҳам кам" даражада баҳолангани буни исботлаб бормоқда.

Мамлакатимиз молия-банк тизими барқарор ва ишончли фаолият кўриб, юқори қўрсаткичларни намоеён этиб келмоқда. 2012 йилда банк тизимининг жами капитали

24,3 фоизга, сўнги уч йилда эса икки баробар кўпайди.

Бугунги кунда капиталнинг етарлилик даражаси 24,0 фоиздан ошиб, бу эса қабул қилинган умумий халқаро стандартлардан 3 баробар ортиқдир. 2012 йил яқунлари бўйича банк тизимининг ликвидлиги 65,0 фоиздан ортмоқда, бу эса талаб этиладиган минимал даражадан 2 баробар юқоридир.

2010 йилда мамлакатимизнинг атиги 13 та тижорат банки ижобий халқаро рейтингга эга бўлган бўлса, айти пайтда уларнинг сони 28 тага етди.

Банклар фаолиятида, ўтган йиллардаги каби, инвестиция фаолиятига қатта эътибор қаратилди.

2012 йилда иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитлар ҳажми 2011 йилга нисбатан 1,3 баробар ошди. Ажратилган кредитларнинг 76 фоиздан зиёди уч йилдан ортиқ муддатга берилган узок муддатли кредитлар экани, айниқса, эътиборга молик.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг ўтган йил натижаларини баҳолаганда, Халқаро валюта жағмармаси миссияси раҳбари Вероника Бакалу хонимнинг ушбу миссиянинг Ўзбекистонда 2012 йил ноябрь-декабрь ойларидаги иши натижалари бўйича билдирган фикрларини келтириш ўринли, деб биламан. Унинг таъкидлашича, "Ўзбекистон иқтисодиёти жадал суръатлар билан ўсмоқда. Солиқ-бюджет ва ташқи фаолият соҳаларидаги мустаҳкам позиция, банк тизимининг барқарорлиги, давлат қарзининг камлиги ва ташқаридан қарз олишга эҳтиёткорлик билан ёндашиш мамлакатни глобал инқирознинг салбий оқибатларидан ҳимоя қилди".

Ўйлайманки, бундай холисона баҳо кўп нарсадан далолат беради.

(Давоми 2-бетда.)

18 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2013 йилги иқтисодий дастурнинг асосий устувор вазифаларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов маъруза қилди.

Давлатимиз раҳбарининг нутқида қайд этилдики, глобал иқтисодиётда жиддий муаммолар сақланиб қолаётганлигига қарамай, ўтган йилда мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор юқори суръатлар билан ривожланишда давом этди, аҳоли турмуш даражасининг барқарор ўсиши ва мамлакатимизнинг жаҳон бозорларидаги маквеи янада мустаҳкамланиши таъминланди.

Алоҳида таъкидлаб ўтилдики, мамлакатда амалга оширилаётган ривожлантириш ва ислоҳ қилиш стратегиясининг самарадорлиги, инқирозга қарши курашиш борасида тўпланган тажриба нуфузли халқаро молия ва иқтисодий институтларнинг, жаҳондаги етакчи илмий марказларнинг юқори баҳоларини олмақда. Чунончи, 2012 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида мамлакатимизга ташриф буюрган Халқаро валюта жағмармаси миссияси бошлиғи баёнотида барқарор банк тизими, давлат қарзи даражасининг пастлиги ва четдан қарзлар олишга пухта ўйлаб ёндашиш мамлакатни глобал инқирознинг салбий оқибатларидан муҳофаза қилганлиги, Ўзбекистон иқтисодиёти жадал суръатлар билан ўсётганлиги ва келгуси йилларда унинг янада фаол ўсиши прогноза қилинаётганлиги қайд этилди.

2012 йил яқунларига кўра, мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти 8,2 фоизга, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми — 7,7 фоизга, қишлоқ ҳўжали-

ги маҳсулотлари етиштириш ҳажми — 7 фоизга, қурилиш ишлари ҳажми — 11,5 фоизга, чакана товар айланмаси ҳажми — 13,9 фоизга, хизматлар кўрсатиш ҳажми — 14,2 фоизга ўсди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,4 фоиз миқдорда профитит билан ижро этилди. Инфляция даражаси белгиланган прогноза кўрсаткичидан ошмади.

Ўсаётган инвестициялар ҳажми иқтисодиётнинг барқарор юқори сифатлар билан ўсиши ва унинг тузилмасини диверсификациялашнинг энг муҳим манбаи бўлди. Инвестицияларнинг салмоқли қисми иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфра-тузилмасини жадал ривожлантиришга йўналтирилди. Ўтган йилда мамлакат иқтисодиётига 11,7 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган инвестициялар жалб этилди, бу 2011 йилдаги нисбатан 14 фоиз кўндр. Бунда барча инвестицияларнинг 22 фоиздан кўпрогини ёки 2,5 миллиард доллардан ортигини хорижий инвестициялар ташкил қилди, уларнинг 79 фоиздан кўпроги тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир.

Экспорт ҳажми 11,6 фоизга кўпайди, ташқи савдо айланмасининг салмоқли ижобий сальдоси таъминланди. Экспорт таркибида хомашё бўлмаган тайёр товарлар улуши 70 фоиздан ошди.

Мамлакат аграр сектори даярли барча тармоқларнинг динamik ривожланиши таъминланди. Деҳқонларимиз томонидан мўл-кўл қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари — 3,4 миллион тоннадан ортиқ пахта хомашёси, 7,5 миллион тонна дон, 2 миллион тоннадан зиёд картошка ва 9 миллион тоннадан кўп савзавот ва полиз маҳсулотлари етиштирилди ва ййиб олинди.

(Давоми 6-бетда.)

ТАЛАБАННИНГ МАЪНАВИЙ ОЛАМИ

ёхуд «Маънавият кўни»нинг мазмун-моҳиятини белгилашда нималарга эътибор бериш зарурлиги ҳусусида

Юртбошимиз томонидан қўйилган инсоннинг маънавий оламини шакллантириш муаммоси, аслида, ота-боболаримиз, мутафаккирларимиз томонидан асрлар мобайнида интилиб келинган орзу-умидларнинг янги замон руҳи билан сугорилган шаклидир. Бошқача айтганда, қомил инсон тарбияси — мамлакатимизнинг стратегик вазифаси, мақсадларимизнинг мақсади.

8-9 >

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ КАСБИЙ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

Юртимиз таълим тизимида ўрта махсус, касб-ҳўнар таълимнинг ўрни ва аҳамияти беқисс. Эшларимиз коллежда эгаллаган билим, малака ва кўникма ёрдамида келажақда турли корхона ва ташкилотларда ишлаши, шунингдек, ўз бизнесини ҳам ташкил қилиши, бунинг самараси ўлароқ ўз оиласини иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан таъминлаши шубҳасиз.

10 >

ТАҚИҚ ВА ИЗН БОЛА ТАРБИЯСИДА МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА

Ота-оналарда кўпинча "Қандай қилиб болага "йўқ" дейиш керак?" деган савол туғилади. Чунки болага бирор нарсани чеклаганимиз билан кўпинча ўзимиз хоҳлаган натижага эришмаймиз. Аслида, унга "мумкин эмас" дейиш орқали қўзланган мақсадга эришиш унчалик мураккаб эмас.

11 >

"СИРЛИ КАТАКЧА"ДА НИМА ЯШИРИН?

ёхуд кимё дарсида интерфаол
ўйинлардан фойдаланиш хусусида

Sinab ko'ring

Ўқувчилар билимини мустаҳкамлаш ва фанга қизиқишини оширишда интерфаол ўйинлар, илғор педагогик методлардан фойдаланиш яхши самара бермоқда. Жумладан, кимё дарсидан "Валентлик", "Оксидлар", "Водород" мавзуларини тушуниришда "Сирли катакча" ўйинидан фойдаланиш мумкин. Бунда ўқувчилар гуруҳларга бўлинади ва уларга дидактик материаллар тарқатилади. Ўқувчи моддалар валентлигини тўғри кўрсатса, катакчадаги ҳарфлардан кимёвий элементнинг номи келиб чиқади.

	I	II	III	IV	V
P ₂ O ₃	B	V	K	A	R
Na ₂ O	O	A	N	Z	D
SO ₂	P	T	C	L	S
Cr ₂ O ₃	U	M	B	H	F
As ₂ O ₅	G	Q	E	I	A

Ўқувчиларнинг ўқув меҳнат фаолиятини тиклаш, чарчоғини ёзиш, кайфиятини кўтариш, дам олдириш учун "Мен кимман?" ўйинини ўтказса бўлади. Бунда бирор кимёвий бирикманинг формуласи ёзилган рамзий тож ўқувчининг ўзига кўрсатилмасдан бошига кийдирилади. Ўқувчи ўзининг "ким"лигини синфдошлари ёрдамида топиши керак. Масалан, тожда H₂O ёзилган бўлса, куйидагича савол бериши мумкин:

Ўқувчи	Синфдошлари
Одий моддаманми?	Йўқ
Мураккаб моддаманми?	Ҳа
Кислотаманми?	Йўқ
Тузманми?	Йўқ
Оксидманми?	Ҳа
Металлманми?	Йўқ
Металлмасманми?	Ҳа
Турмушда ҳар куни ишлатиламанми?	Ҳа
Заҳарлиманми?	Йўқ

Ўқувчиларнинг хотирасини мустаҳкамлашда эса "Кимнинг зехни ўткир?" ўйинидан фойдаланиб, бирор элементнинг хоссаларини биринкетин ўқиймиз. Зехни ўткир ўғил-қизлар уч-тўрт хосадан сўнг тўғри жавоб топа олади:

1. Бу элемент типик металл.
2. Сув ва кислоталардан H₂ни шиддат билан ажратиб чиқаради.
3. Табиатда фақат бирикма ҳолда учрайди.
4. Хлорли бирикмаси турмушда ҳар куни ишлатилади ва бусиз таомлар таъмисиз бўлади (натрий).

"Сен давом эттир" ўйини эса ўқувчиларнинг диққатини бир жойга жамлаш, эшитганларини тезда таҳлил қилиш, нутқини раво ва қизиқарли етказиб беришни ўргатишда қўл келади. Бунда ўқитувчи бошқарувчи бўлади, эстафета байроқчасини узатиб, маттни

давом эттиришни сўрайди:

"Мен Ер узида энг кўп тарқалган моддаман".

1-ўқувчи: — H₂ ва O₂ элементларидан ташкил топганман.

2-ўқувчи: — 100°да қайнайман, 0°Сда қаттиқ ҳолга ўтаман.

3-ўқувчи: — Одамлар, ўсимликлар ва ҳайвонлар ҳаёти учун энг керак моддаман...

Ўзини йўқотиб қўйган, шартни бажара олмаган бола ўйиндан чиқади ва эстафета

байроқчаси кейинги иштирокчига ўтказилади. Шу тарихида ўқувчилар бир-бирларининг фикрини давом эттиради, хулоса чиқаради ва нутқий фаолиятини ўстирадilar. Алқисса, ўғил-қизлар учун бироз мураккаб, бироз зерикарли саналган кимё фанини интерфаол ўйинлар ёрдамида қизиқарли қилиш, осонлаштириш мумкин.

Озода ҲАМИДОВА,
Ҳамза туманидаги
152-мактабнинг кимё фани
ўқитувчиси

Касб-ҳунар коллежларида

Юртимиз таълим тизимида ўрта махсус, касб-ҳунар таълимнинг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Айниқса, касб-ҳунар коллежларида ўқувчилар умумтаълим фанларидан билим олиш билан бирга ўзлари қизиққан соҳа бўйича касб сирларини пухта ўрганишади. Улар коллежда эгаллаган билим, малака ва кўникама ёрдамида келажакда турли корхона ва ташкилотларда ишлаши, шунингдек, ўз бизнесини ҳам ташкил қилиши, бунинг сармариаси ўлароқ ўз оиласини иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан таъминлаши шубҳасиз.

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ КАСБИЙ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА



Учтепа миллий хунармандчилик касб-ҳунар коллежида ҳам ўқувчилар "Заргарлик буюмлари уста-рассоми", "Каштачилик бўйича уста", "Ёғоч ўймакорлиги бўйича уста-рассом", "Миллий этнографик ва бадиий либослар дизайнери" каби касб-ҳунар сирларини пухта ўрганишлари учун барча шароит ва имкониятлар яратилган. Биз педагог ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг олдида турган навбатдаги долзарб вазифа бўлажак кичик мутахассисларни ҳар жиҳатдан салоҳиятли, меҳнат бозори талабларига тўла жавоб берадиган қилиб тайёрлашдир. Шу нуқтаи назардан ҳозирги кунда коллежимизда таълим сифати ва самарадорлигини оширишга катта эътибор қаратилаётир. Жумладан, дарс жараёнига илғор педагогик ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ этиш юзасидан турли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Масалан, компьютердан, шунингдек, интернет тармоғидан эркин фойдалана олмайдиган ўқитувчилар учун машғулотлар, семинар-тренинглар ташкил этилди.

Коллежда яна бир аjoyиб аъна мавжуд. Ўқув йили бошида янги қабул қилинган мактаб битирувчилари бошлангич назоратдан ўтказилади. Уларнинг натижалари кафедралар йигилишларида муҳокама қилинади. Муҳокамалар хулосасига кўра ўқувчиларнинг оқсаётган томонларига кўпроқ эътибор қаратилиб, улар учун дарсдан ташқари кўшимча машғулотлар йўлга қўйилади. Масалан, бўлажак заргарлик буюмлари уста-рассоми келгуси фаолиятида зарур бўладиган расм, чизмачилик, геометрия, физика, кимё фанларидан касби доирасида етарлича билимга эга бўлиши

керак. Шундагина ясаётган буюмини нозик ҳис қила оладиган мутахассис бўлиб етишади.

Коллежимиз кафедралари турли олий таълим муассасалари кафедралари билан доимий ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Жумладан, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг "Амалий санъат ва уни ўқитиш методикаси", Тошкент давлат техника университетининг "Машина деталлари, сервис техникаси ва технологияси" кафедраси профессор-ўқитувчилари коллежнинг турли тадбирлари, давра суҳбатларида ўз маърузалари билан қатнашади. Шунингдек, педагогларимизнинг дарс ва амалий машғулотларини кузатиб, уларга илмий-услубий йўл-йўриқ беришмоқда.

Коллежимиз битирувчиларининг ишлаб чиқариш ва дипломолди амалиётини ўташи, келгусида ишга жойлашишини таъминлаш мақсадида шахриятимиздаги турли корхона ва ташкилотлар билан алоқалар яхши йўлга қўйилган. Хусусан, "Феруз-олга", "Устозода" кичик корхоналари, "Шарқ гули" масъулияти чекланган жамияти, "Ипотека" банки, "Tojino text" хусусий корхонаси, "Хунарманд" уюшмаси, "Faуз" қандолатчилик корхонаси каби қатор ишлаб чиқариш корхоналарида ўқувчиларимиз устоз-шогирд тизими асосида амалиёт ўтаб, уч томонлама шартномалар тузишмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, коллежимиз жамоаси битирувчиларнинг ҳар жиҳатдан етук кичик мутахассис бўлишлари учун барча имкониятларини ишга солмоқда.

Шерзод БЕРДИКУЛОВ,
коллеж ўқитувчиси

Yanvar — Tarix hamda davlat va huquq asoslari fanlari oyligi

ВАТАНПАРВАРЛИК ҚАНДАЙ ШАКЛЛАНТИРИЛАДИ?

Ҳар қандай соҳа вакили ўз касбига ижодкорлик билан ёндашмас экан, замондан ортда қолиб кетади. Хусусан, бугунги кун ўқитувчиси дарсдан-дарсга ўқитиш услубини такомиллаштириб бориши лозим.

Диққат марказида туриши керак бўлган яна бир масала дарсларда болаларнинг миллий ғурур туйғуларини шакллантиришга алоҳида урғу беришдан иборат. Ёшларга бой тарихимиз ва миллий қахрамонларимиз ҳақида маълумот бериб, уларнинг қалбиде ватанпарварлик, миллий ғурур туйғуларини тарбиялаш мумкин. Масалан,

3-синф "Ўқиш" дарслигида "Чўпон йигит Широқ" мавзуси берилган. Бу афсонани слайдлар орқали ифода-лаб, бошқотирма, тест, мусобақали саволлар ёрдамида ўқувчиларга етказсак, уларни нафақат афсона воқеалари билан таништирамиз, балки кенг мушоҳадага, хулоса чиқаришга ўргата оламиз. Мавзунини очик дарс шаклида ўтиб, сахна кўришини тайёрлаш ҳам тарихимизга бўлган қизиқишларни янада оширади.

Нодира МАВЛОНОВА,
Тошкент шаҳридаги
300-ИДУМ ўқитувчиси

ТАҶИҚ ВА ИЗН

бола тарбиясида муҳим аҳамиятга эга

Жамиятнинг ўзига хос тақий ва чекловлари мавжуд. Биз катталар истаимизми-йўқми, уларга риоя қилишга мажбурмиз. Тарбияда "Ҳали болам ёш, катта бўлса, қўллаб тақиқларга дуч келади", деб унга тўла озодлик бериш, ҳаракатларини умуман чекламаслик тарафдорлари ҳам борки, улар таъбир жоиз бўлса, қош қўяман деб кўз чиқарадилар. Бола хатти-ҳаракатларини умуман тақиқламаслик, чегараламаслик унинг беқарор, сержаҳл, боз устига, сурбет кимса бўлиб вояга етишига сабаб бўлиши мумкин. Бир жиҳатдан, шундай тарбия натижа-сида болада шаклланидиган ўзини идора қила олмаслик хусусияти келажақдаги турмуш тарзида, бошқалар билан муомала, муносабатидеда салбий томондан намоён бўлади.

Иккинчи тарафдан, психологларнинг эътирофи эътишларча, болалар муайян даражада чеклов, тақиқларга муҳтожлик ҳам сезишаркан. Яъни, тақиқлар тизими (албатта, бунда тўғри йўналтирилган, мақсадга мувофиқ тақиқлар назарда тутиляпти) бола, гўдак учун ҳаётнинг тушунарли, одатий, беҳавотир, қудай бўлишини таъминлайди. Бола ота-онасидан топширик, кўрсатма кутади ва уни бажаришга тайёр ҳам бўлади. Унда фарзандларимиз нега баъзан тақиқларимизга бўйсунмишни хоҳлашмайди? Гап шундаки, тақиқдан тақиқнинг фарқи бор ва кўпинча биз қўяётган талаблар уларга тушунарли бўлади. Ота-она тақиқ нима сабабдан қўйилаётганини тушунарли, очик-ойдин баён қилиши лозим. Болада "Нега шу ишни қилишим мумкин эмас?" деган савол туғилмаслиги керак.

"Тақиқланган мева — ширин" дейилганидек, ҳаётга энди кириб келаётган, теварак-атрофдаги ҳар бир нарса-ҳодисанинг моҳиятини билишга қизиқадиган индивид учун бу тахлит муносабат тақиқланган ҳаракатни бажаришга бўлган интилишни қучайтиради, холос. Шунинг учун ҳар бир талаб бола тилида, содда ифода-лангани маъқул. Болаларда тафаккур кўникмалари, умумлаштириш, ҳулоса чиқариш сингари малакалар ҳали тўла ривожланмагани боис топшириқни идрок қилиш ҳам ўзига хос тарзда амалга ошади. Мисол учун, столга қошиқ билан қаттиқ уриб, тақиллатиб ўтирган болага "Қошиқни столга урма!" деган буйруқ берилди. Катталарга шундай дейилса, улар дарҳол шовқин қилмаслик сўралаётганини тўғри фаҳмлашади. Лекин бола, юқорида айтилганидек, ҳали мангички ҳулоса чиқаришни билмагани учун қошиқни қўйиб, қўлига энди санчқини олади ва яна бошқачароқ ҳаракатни бошлайди. Шундай ҳолларда жаҳли чиққан ота ёки она болани жазоламоқчи бўлади. Аслида, сабртоқат билан фарзандимизга нима истаётганимизни тушунтирсак, иккинчи марта ўша буйруқ берилганда бола масаланинг моҳиятини тўғри англаб, ноўрин ҳаракатини тўқтатади. Чунки нафақат болага, балки катталарга ҳам ўзи хоҳлаб, қизиқиб бажарётган юмушини тўқтатиш жуда қийин. Қанчалки уришмайлик, болалар кўлмак кечиб ўтишга жуда қизиқадилар. Бу кўлмақнинг ичидеда нима борлигини билишга қизиқиш ва сув билан ўйнашга бўлган табиий эҳтиёжидир. Бундай ҳолларда қаҳр-ғазаб билан бақир-чақир қилиб болани қойимаслик керак. Яъни, унга сув ўтказмайдиган узун этик кийиб олишини маслаҳат бериш ва эрмагини давом эттиришни тақий қилиш ёки биргалиқда у билан ўйнаш мумкин. Зеро, ўйин ҳам инсон фаолияти, дунёни билишнинг ажралмас таркибий қисми бўлиб (умуман олганда, ўйин, ўқиш ва меҳнат

фаолияти мавжуд), бу жараён-да ҳам муҳим қўнимка ва малакалар шаклланади.

Айрим болалар ниҳоятда қизиқувчан бўлади. Улар совға қилинган ўйинчоғини ўйнаб зериққач, ичидеда нима борлигини билишга уринадилар ва одатда янги ўйинчок(соат ёки мураккаб механизмли ускуналар)нинг "ичак-чавоғи"ни чиқариб ташлайдилар. Айнаман шундай болалар тарбиясига тўғри эътибор бериш истеъдодли муҳандис, конструктор, ихтирочиларни етиштиришнинг муҳим омилларидан бири экани таъкидланади. Бундай "устабузармон" болаларнинг ҳар бир хатти-ҳаракатини тақиқлайвериш эмас, балки тўғри йўналтириш келажақда ўз мевасини бериши мумкин. Уларга ҳозирги вақтда анчагина оммавийлашган "Лего", "Конструктор" типидеги ўйинчоқларни олиб бериш, биргалиқда ўйнаш муҳим аҳамиятга эга. Майли, бола ўзи бузиб бошқатдан тасқури. Бу уни идрок этишга, тафаккурини ривожлантиришга ундайди.

Бола туғилгандан сўнг ўсиш, ривожланиш жараёнида дунёни билишга интилади ва кўп ҳолларда ўз фаолиятининг оқибати нима билан тугаши мумкинлигини билмайди. Табиийки, у хоҳлайдиган айрим нарсаларни тақиқлаш ҳам керак бўлади. Бирор нарса, предмет ёки ҳодисанинг асл моҳиятини тушуниши учун бола уни барча сезги органлари орқали ҳис қилиши, яъни қўриб, эшитиб, ҳидлаб, кулоқ солиб чиқиши, мазабини текшириши лозим. Эмаклай бошлаган бола қўлига тушган ҳар қандай предметни озсига солиб кўрганини кузатган бўлсангиз керак.

Ота-оналарда кўпинча "Қандай қилиб болага "йўқ" дейиш керак?" деган савол туғилади. Чунки болага бирор нарсани чеклаганимиз билан кўпинча ўзимиз хоҳлаган натижага эришмаймиз. Аслида, унга "мумкин эмас" дейиш орқали кўзланган мақсадга эришиш унчалик мураккаб эмас. Бунинг учун мутахассислар қуйидаги

қоидаларга риоя қилиш лозимлигини таъкидлайдилар:

Биринчи қоида: "Йўқ" сўзини кўп тасқирлаш мумкин эмас". Ёдда тутиш зарурки, "йўқ" деган сўзни ҳадеб қайтаравериш унинг таъсир кучини сустайтиради. Ота-онанинг боласига "мумкин эмас", "бас", "уни қилма", "буни қилма" деявериши тақиқ эмас, балки бир муддатгина ҳаракатни тўқтатиш воситаси бўлиб хизмат қилиб қолиши мумкин. Болага "йўқ" сўзи тўғри таъсир қилиши учун имкон қадар кам айтилиши мақсадга мувофиқ. Бунинг учун эса чекловга нисбатан шартини ҳам илжои бори-ча минималлаштириш керак. Мисол учун, бола синдириши ёки бузиши мумкин бўлган қимматбахў буюмининг унинг қўли етадиган жойга қўйиб, кейин тегмасликни талаб қилгандан кўра яхшиси кўздан узокроқ, пана жойга қўйган маъқул. Хуллас, тақиқлар қанчалик кам бўлса, таъсир кучи ҳам шунчалик кўпроқ бўлади.

Иккинчи қоида: "Тақиқла-

Mutaxassis minbari

гандан сўнг рухсат бериб бўлмайди". Ота-она фарзандига бирор нарсани тақиқлагач, ўзларига ҳам муайян масъулият ва мажбурият олаётганини эсдан чиқармасликлари лозим. Чунки тақиқланган рухсат бериш вақтдан кейин рухсат бериб бўлмайди. Шунинг учун ота-она "йўқ" дейишдан олдин ўз қарорини ўзгартириши мумкинлигини яхшилаб ўйлаб кўриши зарур. Агар олдиндан шундай мўлжал бўлса, яхшиси, боланинг ҳаракатларини чегараламаган маъқул. Негаки, бу ҳолда тақиқнинг аҳамияти ва ота-онанинг обрўси бола назаридеда пасаяди.

Учинчи қоида: "Фарзандимизга "йўқ" дейишга жазм қилдингизми, бунинг сабабини тушунтиришга тайёр турунг". Бола учун чекланган нарсанинг аҳамияти, албатта, ошшини эсдан чиқармаслик керак. Гап бу ерда тақиқланган меванинг ширинлиги ҳақда ҳам эмас. Масаланинг асл моҳияти шундаки, ҳар қандай рисоладаги шахс ўз эрки, инон-ихтиёрининг чегараланишини оргриқли қабул қилади ва бунга қарши ўз норозилигини ифодалашга уринади. Бола ҳам бу борада катталардан фарқ қилмайди. Шу боис, фарзандининг хатти-ҳаракатини чеклаётганида ота-она боласи буни хурсандчилик билан қўлиб олмаслиги ва ўзлари ҳам чеклов сабабини тушунтириш жараёнида маълум даражада заҳмат чекиши мумкинлигига тайёр туриши лозим.

Тўртинчи қоида: "Бола англаша қодир деб ҳисоблаган пайтнингиздагина ўз тақиқингиз сабабини тушунтиринг". Ҳаётини мисол: она уч яшар ўғилчасига "Ифлос қўлингиз озгинча тикма!" деб бақираяпти. Лекин у қўлини озсига солаверадиган, чунки бунинг ортидан келиб чиқиши мумкин бўлган ошқозон-ичак касалликлари тўғрисида тасаввур, тушунчага эга эмас. Она эса фарзанди нафақат ту-

шуниши, балки эслаб, ёдда сақлаб қолиши керак, деган қатъий фикрда. Вазиятнинг чалқашлиги шундаки, катталар ўзларининг "ақлли", бироқ гўдак учун тушунарли талаблари билан уни яна тақиқни бузишга мажбур қилишади. Шунинг учун бирор ишни қилмаслик тақиқланганида боланинг ҳаётий тажрибаси ҳам ҳисобга олиниши лозим.

Бешинчи қоида: "Болага бирор нарсани тақиқлаётганда ҳиссиётга берилмаслик зарур". Тушунган инсон фарзандига нисбатан тақиқни ҳеч бир истисносиз, фақат тарбия мақсадида қўлайди. Агар бу жараёнда ота-она ҳиссиётга берилса, бола буни бошқача қабул қилади ва тарбия самараси ҳақида ўйламаса ҳам бўлади. У "Ота-онам газабланди, демек, мени ёқтиришмайди, ёмон кўришади". Ёки "Ота-онамнинг кайфияти яхши, ҳазиллашаётдилар, демек, қилган ишимнинг ёмон жойи йўқ" деган хулосага келади.

Катталарнинг нимаи айтаётгани эмас, қандай оҳангда ман қилиши ҳам муҳим. "Лаб бўё-нимга тегма", дея туриб, қизалоқнинг бўялаган қиёфасини қўриб хоҳлаб кулаётган онанинг тақиқи ҳеч қандай таъсирга эга эмас. Онасини қувноқ қиёфада кўрган кизча уни хурсанд қилишда давом этгиси келади. Беш ёшли болага "Неча марта пул олма деб айтдим сенга!" деб ўшқирилса, у буни таҳдид сифатида қабул қилади. Шунинг учун тақиқ осойишта, хотиржам ва қатъий оҳангда билдирилган дуруст.

Олтинчи қоида: "Тақиққа бўйсунган болани қўллаб-қувватлаш даркор". Бола ўзидан талаб этилган вазифани бажаргач, янгича хулқ-атвори учун меъёр даражасида рағбатлантириш, руҳлантириш, мақташ қутилган натижаларни беради. Афсуски, бу қоида билан ота-оналар ҳам уга ҳар доим риоя қилавермайди. Одатда баъзи оилаларда воқеалар қуйидагича ривожланади. Фарзанди "ўта оғир гуноҳ" қилиб қўйганини билган ота-она дастлаб қаттиқ газабланади. Кейин асабий, баъзан жазавога тушган ҳолатда боласининг бирор ҳаракатини чеклайди, тақиқлайди, унга захрини сочади, муайян ишни амалга оширишни талаб қилади ёхуд энг ёмони — жисмоний жазони қўлайди. Унга билдирилган норозиликнинг мазмунини тўлиқ тушуниб етмаган, бироқ ота-онанинг ҳаракатларидан кўрқувга тушган бола асосан, ўзини ҳимоя қилиш ва уларни тинлантириш мақсадида дарҳол катталарнинг айтганини бажаради. Катталар фарзанди талабини бажарганини кўрса ҳам, норози ва хўмрайган қиёфада бўлишади. Ота-онанинг хоҳишини амалга ошириб ҳам бирор ижобий фикр эшитмаган болада мутелик психологияси, руҳан эзилиш ҳолати юзага келади. Ўз зурриёдига нисбатан бундай муносабатни оқлаб бўлмайди. Ўзи бажарган ишдан ота-онанинг хурсанд бўлганини билиш

фарзанд учун катта аҳамиятга эгалигини зинҳор эсдан чиқармаслик керак.

Еттинчи қоида: "Ҳар бир тақиқ, чеклов ёки талаб юзасидан оила аъзоларининг муносабати, позицияси бир хил бўлиши лозим". Ҳаддан зиёд эркалатиш, талтайтириш, боланинг барча хоҳишларини сўзсиз амалга ошириш тарбияда қорланади. Бобо, буви, ота, она, амма, тоға, хола, амаки, ака, опаларнинг тақиқ борасидаги фикри бир жойдан чиқмас экан, бу ҳам муаммоли вазият ҳисобланади. Оила аъзоларининг баъзилари кинога боришни тақиқласа, бошқалари рухсат беради. Дарс тайёрламаса, болани кимдир қойийди, бошқаси ённи олади. Ёмон баҳо олганда ота даки беради, она эса бола тарафида бўлади. Дарс тайёрламагани учун онаси томонидан телевизор қўришдан маҳрум қилинган бола бувисига арз қилиб боради. Набрасига меҳри жўш уриб кетган буви эса дарҳол телевизор томоша қилишга рухсат беришдан ташқари, қўлига бирор ширинлик ҳам тутқазди. Бундай муносабатдан талтайган болада нима мумкин, нимага йўл қўйиб бўлмаслиги хусусида эмас, балки катталарни қандай қилиб манипуляция қилиш, бошқариш ҳақидаги тасаввур шакллана боради. Хуллас, катталарнинг тақиқ бўйича яқдил, объектив, холисона, бир хил фикри психик жиҳатдан соғлом шахсини тарбиялашга асос бўлади ва унда ўз ножиоз хатти-ҳаракатини англаш, ҳис қилиш, тўғри-лаш кўникмаларини таркиб топтиради.

Ўзбек менталитетига хос бўлган энг муҳим қадриятлардан бири катталарга ҳурматда, кичикларга иззатда бўлиш, андишани сақлашдир. Биз фарзандларимизнинг сурбет, бетга-чопар, андишасиз бўлишини асло истамаймиз. Бироқ андишали болаларни тарбиялаш борасидаги ортикча сай-ҳаракатларимиз натижасида баъзан муте, кўрқок, итоткор, ригид (суфт фикрлайдиган) шахсини вояга етказиб қўямиз. Меъёр тарозисига риоя қилмасдан боламизнинг ҳадеб шаштини қайтармиш, ўзига бўлган баҳосини пасайтириш, камситиш (айниқса, тенкурларни олдида), шижоатини синдириш, ташаббусини бўғиш, хатти-ҳаракатини тақиқлайвериш, чегаралайвериш, муҳокама қилавериш, ҳеч муволағасиз айтиш мумкинки, ўз ҳаётий манфаатларимизга эид фаолият юридадиган фарзандни тарбиялашимизга олиб келади. Таъкидланганидек, бундай тарбия натижасида бола "синиди" ва "бўш" бўлиб улғаяди ёки, энг ёмони, характер ҳамда темперамент хусусиятлари таъсирида аламзадалигидан исён кўтариб, оила, давлат ва жамият учун хавфли, ҳатто жиний хулқ-атворни намоён қиладиган одам бўлиб етишиши мумкин.

Умарали ҚОДИРОВ,
Республика "Оила" илмий-амалий маркази илмий ҳодими, психолог
фанлари номзоди



Gvardiolaning qul harakatlari bilan tuшuntirishi ushbu mеzda mashhur bulib ketdi.

2007 йили "Барселона Атлетик" клуби билан Испаниянинг тўртинчи дивизиони — Терсера чемпионатида зафар қўчган ёш ва абжир Гвардиола тимсолида яхши футболчидан улкан мураббийга айланаётган шахсини собик президент Жоан Лапорта ўз вақтида кўра олди. Клуб ишқибозлари яхши эслашади: ниҳоятда мураккаб вазият эди ўшанда. Рональдиньо, Деку, Это'О сингари машҳурликни кўтаролмаётган футболчилар мураббийни ҳам, сафдошларини ҳам писанд қилмай қўйган, пировардида клуб кетма-кет мағлубиятлар аламини тортаётганди. Табиийки, мухлисларга бу мулақо ёқмасди.

Шу боис жамоа учун катта қўламдаги ишларни амалга оширганига қарамай, голландиялик мутахассис Франк Райкард учун "чиқши эшикларни" кўрсатилди. Вазият танг эди. Клубнинг инқироз кўчасига кириб қолгани ўз-ўзидан маълум эди. Шунинг учун деярли барча жамоага Венгер, Бенитес ёки Моуриньо каби мураббийлардан бири олиб келинишни кутаётган дамда 2008 йилнинг 1 июнидан "Барса" мураббийлик пультада деярли тажрибасиз, бунинг устига, ўттиз етти ёшли Хосеп Гвардиола расман пайдо бўлди! Бу ўша вазият, ўша давр учун футбол оламидаги чинакам шов-шувли воқеа эди.

Аниқки, бу узунқулоқ гапларнинг болабаб кетишига сабаб бўлди. Одатда кўпчилик афсонавий футболчилар майдон ичидаги фаолиятини тугатган, ризқини майдон атрофидан излашга киришади. Бунга кўнгиб қолган мухлислар бир вақтлар клуб "юраги" бўлган собик футболчидан ҳеч қандай сенсация қутишмади, балки испан наешлари клуб раҳбариятини зикналикда айблашди. Лапорта бунга эътибор бермади, ўзини "спейшл ван" деб



Бугунги "Барселона"ни Пепнинг ассистенти — 42 ёшли Тито Виланова бошқармоқда.

Хаётнинг энг қалтис танлови: ё касб, ё оила. Бу масала ўртага ташланганда кўпчилик узил-кесил қарор чиқаришга қийналади. Бир вақтнинг ўзига ҳар иккисига тенг фидойилик қилиш мушқул. Инсон бир ҳунарни эгаллагунча, йиллаб машаққатлар чиғирғидан ўтади, синовлар тегириқмонда эланади. Аини ўз йўлини топиб, муштакам ўрнига эга бўлганда ҳаммасини ташлаб, ўзини оиласи учун бахшида қилиш ҳаммининг ҳам қўлидан келавермайди. Бунинг устига, ўша одам бугунги куннинг энг машҳур футбол клубларидан бири — "Барселона" бош мураббийи бўлса, кўнгиб узиш янада оғирлашади. Шунга қарамай, Хосеп Гвардиола кўзларидан хайрлашув ёшлари пайдо бўлди!

юрганлардан тортиб, "футбол профессори" мақомига эришганлар номзоди шунчаки кўриб чиқилгани, чиндан ҳам, ажабланарли эди. Аммо раҳбарият Гвардиоланинг бошқа бирорта мураббийда топилмас жиҳатини яхши илг'аганиди: Пепда "Барса" иши билан урувчи уйғоқ қалб бор эди!

Қолаверса, Пеп ўзига, ёрдамчиларига ва, албатта, бутун "Барселона" уни қўллаб-қувватлашига ишонарди. У тажриба тобадаги "кемтик"ларни

Учинчидан, Гвардиоланинг ўзига хос ҳужумкор ўйин ташкил этиш усули мавжуд эди. Унинг ҳимоячилари ҳужум чиқаришга юриши, ярим ҳимоячилари истаган вақтида гол уриши мумкин эди. Бир сўз билан айтганда, катта устунлик билан тўғга эгаллик қилиш жараёнда ҳал қилувчи зарбани ким бериши рақиб билмасди. Бу кўп ўтмай, манаман деган мураббийлар учун чинакам бошогрик бўлди. Айнан Ракард бошлаган "тотал футбол"га Гварди жон киритди, безак берди. Унинг мавжуд услубга янгича ёндашуви "Барса"ни жиқслаштирди.

Испания чемпионати бошларидан. "Барселона" мухлисла-

БОШ МУРАББИЙ

гайрат, завқ-шавқ билан тўлдирди. Атрофда чивиндек қувалашиб кетган олди-қонди гапларга парво қилмай, ишга борлиги билан шўғунди. У шу қадар қаттиқ, берилиб ишладики, натижада оила аъзолари уни қўнлаб кўришолмади...

Гвардининг мураббийликка киришиш арасасида ўзига хос фалсафалари мавжуд эди. Биринчидан, у жамоа рўҳини кўтариши, профессионаллик даражасини ошириш учун машғулотлар жадвалини ўзгартирди ва унда барча биргалликда қатнашишига эришди. Ислохотларни "ечиниш хонаси"даги ҳавони "тозалаш"дан бошлади. У ўрнатган тартибга буйсунмаганлар "Барселона" либосига маносиб эмас деб топилди. Шу зайдда Рональдиньо, Деку, Замбротта, Тюрам, Эдмилсон ва Эскерро клубдан четлатилди! Уларнинг ўрнига Даниэл Алвес, Пике, Сейду Кейта, Карсерес, Эрике, Глеб, кейнрок Анри, Чигринский, Аффеллай, Иброҳимович, Максвелл, Вилья, Адриано, Маскерано, Фабрегас ва Сачнес олиб келинди...

Иккинчидан, у машғулотлар ўтказилишига маъсул бўлган жамоа тиббий бўлими таркиби ва тузилшини ўзгартирди. Бу футболчиларнинг тайёргарлик машғулотлари вақтида ўйиндаги нисбатан камроқ жароҳат олишини таъминлади.

совринига эга бўлди...

Гвардиола амалий ва тактик машғулотлар вақтида шоғирдларига жамоавийликнинг аҳамияти беқиёс эканини турли жонли мисоллар ёрдамида қисқа ва аниқ тарзда тушунтирди. У футболчиларни қандай қилиб руҳлантириш йўллариини ўзлаштирган эди. Кўнлардан бирида Пеп шоғирдларини ўз атрофига қорлаб, бутсасини ечди ва унинг боғичини чиқариб олди. Икки учини икки қўлига ўраб, қучлироқ тортиди, ип узилди. Кейин иккига бўлинган ипни устма-уст қўйиб тортиди, бироқ улар узилмади. Шунда у деди: "Бунинг бири жамоа, иккинчиси мураббий деб ҳисобланг, демак, сиз ва мен бир мақсад йўлида бирлашсак, бизни ҳеч ким енголмайди".

Шу вақтга қадар эса "Барса"да барча ўйинчиларнинг вазифаси, майдондаги жойи Рональдиньонинг имкониятларига қараб белгиланар, у жамоанинг "локомотиви" эди. Деярли ўйинлар тақдирини бразилиялик афсунгарнинг иши юришиши ёки юришмаслигига боғлиқ эди. Гвардиола эса бундай "ўз вазифасини ўтаб бўлган" такти-

Mashhurlar hayotidan

нуви" даврини талофатсиз ўтказиш учун ҳам хизмат қилса, ажабмас.

"Пеп-тим" деб аталган жамоа илк мавсумдаёқ эришган натижалар "Манчестер Юнайтед", "Реал", "Милан" ва "Бавария" сингари гранд клублар мавқеини дунё миқёсида олд ўринлардан мосуво қилди.

Айниқса, каталонияликларнинг принципиал рақиби — "Реал"га Моуриньонинг бош мураббий этиб тайинланиши ҳамда мадридликларнинг ҳужумкор ҳимоя усулида ўйин кўрсата бошлагани Пепдан янада сергакилик талаб этди. Гвардиола ва Моуриньо тўқнашуви бутун дунё футболни ихлосмандларини қизиқтирарди. Ниҳоят, ўша кун ҳам келди. "Камп Ноу"да каталонияликлар "Реал" дарвозасини 5 мартаба жавобсиз нишонга олиб, жиқдий синовдан муваффақият билан ўта олди (Пеп бундан кейин ҳам яна бир неча мартаба Моуриньони ортда қолдирди...).

Мазкур йирик галаба Пеп шоғирдларини янада руҳлантирди. Кетма-кет ажаббий натижаларга эришилди, клуб, чемпионат ва дунё рекордларини бирма-бир янгилади. Лондондаги "Уэмбли" стадионида кечган Европа чемпионолар лигаси финалида яна "Манчестер Юнайтед" йўлдан олиб ташланди (3:1), Испания чемпионолиги, суперкубоги, УЕФА суперкубоги ва клублар ўртасидаги жаҳон чемпионолиги қўлга киритилди... Қисқаси, Гвардиола даври(2008—2012)да клуб фазнасига жами 14та соврин қўшилди.

Бундан ташқари, айнан Пеп даврида Лионель Месси қатарасига уч қарра сайёрамизнинг "Энг яхши футболчиси" деб эътироф этилди (тўртинчи "Олтин тўп"да ҳам Гвардининг хизматлари беқиёс). Пеннинг ўзи эса 2009 ва 2011 йиллари дунёнинг "Энг яхши мураббийи" бўлди. Шунингдек, Хави, Иньеста, Вальдес, Алвес, Бускетс, Вилья, Фабрегас ва бошқалар нуфузли совринларни қўлга киритди.

Мана, беш йилдики, "Барселона" дунё клублари рейтингини бошқармоқда!

2012 йилнинг 27 апрелида Пепнинг қарорини омма эътиборига ҳавола этиш мақсадида матбуот аңжумани ташкил этилди. Унда барселоналик футболчилар гамгин ҳолда бош мураббийнинг хайрлашув сўзларини тинглашди: "Қадрдон жамоамга мураббийлик қилганимдан бахтирман. Хали яна учрашамиз дея умид қиламан. Мен доим "Барселона" билан биргаман".

Шу ўринда машҳур мураббий Арсен Венгернинг фикрига эътиборингизни тортмоқчимиз: "Гвардиола ёш бўлса-да, футболда нималарга қодир эканини кўрсатди. У бугун фақат Испания фуқароси эмас, балки сайёрамизнинг энг машҳур мураббийларидан бири. Унинг фавуллода "миллионлар ўйини"дан четлашиб, оиласини танлагани эса, бутун Европа учун ибратдир".

Ҳа, Пеп фаолиятининг айна авжида, чўққига чиққан пайтида "экстранейро"ни тарк этди. Шунга қарамай, у ҳақидаги шов-шувлар бир лаҳза бўлса-да тингани йўқ. Жумладан, "Бавария" клуби расмий сайтида ёзилишича, Пеп мюнхенликлар билан шартнома тузган. У ишга шу йилнинг ёзида киришади. Унгача эса оиласи даврасида бахтиёрлик онлари давом этади...

Зоҳиджон ХОЛОВ

**ОЗОН ҚАТЛАМИ
ЕМИРИЛИШИНING
САБАБИ АНИҚЛАНДИ**

Лидс ва Йорк университети (Буюк Британия) олимлари океанларнинг устки қатламида мавжуд кўп миқдордаги йод оксиди озон қатламининг емирилишига таъсир кўрсатишини аниқлашди. Таdqиқот натижалари "Nature Geoscience" журналида эълон қилинди.



қатламлардан ташкил топган. Аввалги фотоэлементлардан фарқи равишда унинг қатламли шундай тузилганки, юқори қаватларда ўзлаштирилмаган фотонларнинг пастки қатламларга ўтиши имконияти мавжуд. Бу эса, назарий жиҳатдан фотоэлементнинг фойдали иш коэффициентини 87 фоизгача ошириши мумкин.

Юқори самарали фотоэлемент қурилманинг кенг ишлаб чиқарилиши учун 2-3 йил талаб этилади. Чунки фотоэлементнинг ушлаб қолувчи ва ўтказиб юбуровчи қаватларини ишлаб чиқариш бироз муаммо туғдирмоқда. Айни дамда олимлар учун 4 компонентли InAlAsSb қотишмаси хомашё вазифини ўташи мумкин.

Лойиҳа муваффақиятли амалга оширилган тақдирда ҳам қуёш батареяларини ишлаб чиқаришда хом ашё сифатида қўлланилувчи қимматбахо индий моддасининг ноёблиги сабаб, бундай қурилмаларни фақатгина космик ускуналар ва гелиоконцентратларда қўллаш мумкин.

**СТРЕСС ЭШИТИШ ҚОБИЛИЯТИНИ
ОШИРАДИ**

Швециялик психологлар ўтказган таdqиқотларда 23 дан 71 ёшгача бўлган 350 нафар эркек ва аёл иштирок этди. Уларнинг ҳар бири муздек сувга қўла солиш, мураккаб тестларни ечиш каби турли вазиятлар ёрдамида кучли стрессга дучор қилинди.

Шундан сўнг, олимлар стресснинг эшитиш қобилиятига қандай таъсир кўрсатишини аниқлаб қўришди. "PLoS ONE" интернет нашри берган маълумотларга кўра, одатий сўзлашув баландлиги ҳисобланган 60 децибелл товуш ҳам аёлларда нохуш таъсир уйғотди. Таъкиллаш керакки, гап фақат руҳий таъсирлар ҳақида кетмоқда: аёллар томонидан жуда балан, ёқимсиз дея баҳоланган овозлар организмда бирор жисмоний таъсир уйғотмаган. Стресс эркекларда ҳам эшитишга бўлган таъсирчанликни оширган, бироқ бу ҳолат, таdqиқотчиларнинг айтишича, белгиланган меъёрдан ошмаган. Ҳозирча олимлар нима учун айнан аёлларда бундай ҳол кузатилишини аниқлашгани йўқ.

Олинган натижалар нафақат илм-фан, балки шахсий ҳаёт учун ҳам муҳим аҳамиятга эгалити таъкидланмоқда. Эркеклар ўз аёлларидан "Нима учун бақириб гапираяпсиз?" мазмунидagi сўзларни эшитганда, унинг кайфияти жойидалигини суриштириб, муаммони осонгина бартараф этишлари мумкин.

Санжар РУСТАМОВ тайёрлади.



Индонезия пойтахти Жакартанинг бир нечта туманларининг тинимсиз ёмғир ёғиши оқибатида сув остида қолгани, жамоат транспортлари ҳаракатида узилишлар кузатилагани, 2 нафар инсоннинг ҳалок бўлгани ва эвакуация жараёни эса давом этаётгани маълум қилинди.

Мексикадаги Туслла-Гутьеррес шаҳридаги шахарларро аэропортдан ҳавога кўтарилаётган кичик самолётнинг ерга қулаб тушиб, ёниб кетиши оқибатида уч нафар бола ҳаётдан кўз юмган, дея хабар беради мамлакат қутқарув хизмати.

АҚШнинг Нью-Йорк шаҳри мактабларидан бирида ёнидан тўппонча топилган иккинчи синф ўқувчиси суриштирувлар жараёнида унга қуролни синфдошларидан бири берганлигини таъкидлаган, дея хабар тарқатди "New York Times" нашри.

"O'zbekiston" нашриёт-матбаа ижодий уйи жамоаси нашриёт ишлари бўйича директорнинг биринчи ўринбосари Шомухитдин МАНСУРОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия билдиради.




Изланишларда Атлантика океанининг асосан тропик қисми атмосферасининг қуйи қатламларида рўй берган озон емирилишига 50 фоиз ҳолатда йод оксидлари таъсир кўрсатгани қайд этилди.

Олимларнинг лаборатория шaroitида олиб бorgan изланишларида йоднинг озон билан реакцияга киришиши натижасида йодланган кислоталар ҳосил бўлиши илмий жиҳатдан исботланди. Мазкур реакция тропик Атлантикада кузатилган 75 фоиз йод оксидлари билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Ҳодисанинг айнан тропик минтақаларда кузатилаганининг асосий сабаби сифатида ҳудуд об-ҳавосининг иссиқлиги ва сувдаги йод миқдорининг кўпчилиги кўрсатилмоқда. Лидс университети таdqиқотчиси Жон Плейнинг таъкидлашича, олинган натижалар тропик қирғоқларда жойлашган йирик шаҳарлар осмонда кузатилган озон қатлами емирилишини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади.

**ҚУЁШ БАТАРЕЯЛАРИ
САМАРАДОРЛИГИ ОРТИШИ
МУМКИН**

Ҳарбий-денгиз таdqиқот лабораторияси (АҚШ) ҳамда Лондон қироллик коллежи изланувчилари қуёш батареялари учун кўп қаватли фотоэлемент қурилмани таdqим этишди.



Таъкидлаш жоизки, ҳозирги вақтда қуёш батареяларини яратишда фойдаланилаётган энг самарали уч қатламли фотоэлементларнинг фойдали иш коэффициентини 44 фоиздан ошмайди.

Ушбу қурилма эса қуёш нурлари энергиясини тўлиқ ўзлаштирувчи

реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон

Халқ таълими вазирлиги томонидан эълон қилинган умумтаълим мактабларининг 6-, 7-синфлари учун 2013-2014 ўқув йилида чоп этиладиган дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни яратувчи муаллифлар танлови ғолиблари

№	Фан номи	Синфи	Муаллифларнинг Ф И О
1	Русский язык (таълим давлат тили ва қардош тилларда олиб бориладиган мактаблар учун)	6-синф	Толипова Раёно Тўрахоновна Андриянова Валентина, Ахмедова Лайлохон, Абдирамонов Фахриддин, Давлатова Мансура, Лагай Елена
			Хомидов Мусажон, Абдуллаев Рустам Гасилова Гулбахрам
2	Русский язык (таълим давлат тили ва қардош тилларда олиб бориладиган мактаблар учун)	7-синф	Толипова Раёно Тўрахоновна Андриянова Валентина, Ахмедова Лайлохон, Абдирамонов Фахриддин, Давлатова Мансура, Лагай Елена
			Исламбекова Саннат, Яминова Умида, Абдураимова Зулфия

ТАНЛОВГА ТАКЛИФ
Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги 2013-2014 ўқув йили учун куйидаги ўқув фанлари бўйича такомиллаштирилган Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари асосида куйидаги муаллифлар ўртасида 6-, 7-синфлар учун дарсликлар ва ўқув-методик комплексларни ишлаб чиқиш бўйича

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
2013-2014 ўқув йили учун ТАНЛОВ АСОСИДА ЯРАТИЛАДИГАН ДАРСЛИК ВА ЎҚУВ-МЕТОДИК КОМПЛЕКСЛАР РЎЙХАТИ

№	Фан номи	Синфи	Муаллифларнинг Ф И О
1	Русский язык (таълим давлат тили ва қардош тилларда олиб бориладиган мактаблар учун)	6-синф	Толипова Раёно Тўрахоновна Андриянова Валентина, Ахмедова Лайлохон, Абдирамонов Фахриддин, Давлатова Мансура, Лагай Елена Хомидов Мусажон, Абдуллаев Рустам Гасилова Гулбахрам
			Толипова Раёно Тўрахоновна Андриянова Валентина, Ахмедова Лайлохон, Абдирамонов Фахриддин, Давлатова Мансура, Лагай Елена
2	Русский язык (таълим давлат тили ва қардош тилларда олиб бориладиган мактаблар учун)	7-синф	Толипова Раёно Тўрахоновна Исламбекова Саннат, Яминова Умида, Абдураимова Зулфия
			Танловда иштирок этувчи муаллифлар гуруҳлари тайёрлаган дарслик ва ўқув-методик комплексларнинг тўлиқ ишланган нусхалари ва ҳужжатларини 2013 йил 21 май кунини Тошкент вақти билан соат 14:00 га қадар Тошкент ш. Фурқат кўчаси, 174-уй манзили бўйича Республика таълим марказига топширишлари лозим. <p>Танловда қатнашаётган муаллифлар гуруҳлари танлов ҳужжатларини 2013 йилининг 19 январидан бош-</p>

лаб ҳар қуни (шанба ва яқшанба кунларидан ташқари) Тошкент вақти билан соат 10:00 дан 18:00 гача куйида кўрсатилган манзилдан олишлари мумкин.

Тошкент ш. Фурқат кўчаси, 174, Республика таълим маркази.
Мувожаат учун телефон:
227-04-12; 245-18-50

Танлов ҳужжатлари иштирокчиларга бепул берилади. Танлов таклифлари 2013 йил 21 май кунини соат 15:00 да барча иштирокчилар вакиллари иштирокида очилади. Танловга кечикиб топширилган таклифлар очилмаган ҳолда иштирокчиларга қайтарилади.

ЭКОЖУРНАЛИСТЛАР УЧУН ҚЎЛЛАНМА



ат фонди ҳамкорлигида нашр этилган "Оммавий ахборот воситалари ва экология" ахборот-услубий тўплами нафақат журналистлар, балки соҳа мутахассислари, олий ўқув юртлири талабалари учун ҳам муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Қўлланманинг биринчи қисмида журналистларнинг экология мавзусини ёритишга ихтисослашуви, экологияга оид қонунлар тарғиботида ОАВнинг роли очиб берилган бўлса, иккинчи қисмида 2001 йилдан бери ўтказиб келинаётган республика экожурналистика танлови хусусида маълумот берилган.

Китобда табиати муҳофаза қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимига оид қабул қилинган қонун ва қарорлар, турли ҳуқуқий ҳужжатларнинг соҳага доир моддалари жадваллар кўринишида тақдим этилган. Муҳим экологик саналар рўйхати, эколог терминлар қисқача лугати тўпламининг фойдалигини янада оширган.

Аҳолининг экологик маданиятини ошириш, соҳага оид янгиликлар, қўнчиликдаги ўзгаришлар ҳақида ўз вақтида, тўлақонли хабардор этишда журналистларнинг ўрни беқийс. Бу эса, ўз навбатида, оммавий ахборот воситалари вақилларининг экологик билимларини янада бойитишни тақозо этади. Ўзбекистон Экологик ҳаракати ҳамда Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамо-

ОИЛА — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

"Етакчи" ёшлар маркази ҳамда республика "Оила" илмий-амалий маркази ҳамкорлигида ишлаб чиқилган "Мустаҳкам оила — жамият барқарорлиги гарови" услубий қўлланмасида оила институти, унинг мустаҳкамлигига бевоасита таъсир кўрсатувчи омиллар, ҳалқимизнинг азалий қадриятлари, никоҳ тушунчаси алоҳида таҳлил қилинган.



Қўлланмада "Ёш оилаларнинг демографик ҳолатини ўрганиш" мавзусида ўтказилган социологик тадқиқот натижалари баён этилган. Республиканинг барча ҳудудларини қамраб олган сўровда асосан 30 ёшга бўлган 665 нафар респондент иштирок этган. Социологик тадқиқотдан эрта турмуш қуриш, оилалар тарихи, фарзандлар сони ва туғилиш оралиги, мустаҳкам оиланинг таянчи нималиги, қариндошлар ўртасидаги никоҳ, ажрим сабаблари каби масалалар юзасидан долзарб саволлар ўрин олган. Китобда сўровнома натижалари жадвал, диаграмма кўринишида ҳудудлар бўйича солиштирма таҳлил асосида келтирилган. Мисол учун, "Неча ёшда оила қургансиз?" саволига берилган жавоблардан қайси вилоятда эрта оила қуриш ҳолатлари кўпроқ кузатилаётганини аниқлаш мумкин.

Қўлланмада, шунингдек, ёшларни психологик жиҳатдан оилавий ҳаётга тайёрлаш, репродуктив саломатлик борасидаги билимларини бойитиш бўйича олиб борилаётган тадбирлар ҳақида батафсил маълумот берилган.

Моҳичеҳра ЛАТИПОВА

«ДУНЁ МЎЪЖИЗАЛАРИ»

Болалар қизиқувчан бўлишади. Синфдан-синфга ўтгани сайин саволлари кўпайиб бораверади: "Дунёнинг қадимий ва янги етти мўъжизаларига қайси иншоотлар киритилган?", "Табиатнинг етти мўъжизаси деб қайси масканлар эътироф этилган?", "Бермуд учурчагининг сир-синоати нимада?", "Рустам Қосимжонов шахмат бўйича 17-жаҳон чемпиони бўлганда нега бу "Ўзбек мўъжизаси" деб аталган?"... Бу каби саволларга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Асрор Мўминнинг "Янги нашр" нашриётида чоп этилган "Дунё мўъжизалари"




публицистик китобидан жавоб топишнинг мумкин.

Китобдаги "мўъжиза" сўзи ёрдамида ясалган берикималарга берилган мустахкам маълумотлар, муаллифнинг мавзуга оид ҳаётий кузатишлари, шеърлари масаланинг моҳиятини янада чуқурроқ билиб олишингизга хизмат қилади.

Дарҳақиқат, ҳаёт — мўъжиза, ҳар бир умр — мўъжиза яратилишига берилган имконият. Мазкур китобдаги ҳаётга меҳр, Ватанга муҳаббат, юксак орзуларга садоқат гоилари ўз умрини мўъжиза яратишга бағишлаган ўқувчиларга қўмақдош бўлади, деган умиддамиз.

Бусалима СУВОНОВА



ШИОРНИНГ МОҲИЯТИ НИМАДА?

"Оила жамиятнинг биринчи ва бирламчи заррасидир. Жамият ана шу зарралардан ташкил топади. Лекин у шунчаки зарра эмас, тирик вужудлар иттифоқидир. Ҳар бир тирик вужуднинг ўзи алоҳида бир олам... Эр ва хотин — икки тирик вужуднинг, икки оламнинг ўзаро иттифоқидан пайдо бўлган учинчи бир олам бу — оилادир". Ушбу фикрлар ёзувчи, драматург ва публицист Абдуҳасан Иброҳимовнинг "Шиорнинг моҳияти нимада?" рисо-ласидан олинган.



Китобчада "Мустаҳкам оила йили" шиорининг моҳияти ҳақида сўз юритиларкан, унга ошно туртинган ўқувчи оила одоби, эр ва хотин ўртасидаги муносабатлар, ахлоқий мезонлар, оила мустаҳкамлигида илм-маърифатнинг, эзгу аънона ва боқий қадриятларимизнинг ҳаётий аҳамиятини англайди. Қундалик турмушимизда рўй бераётган воқеалар асосидаги лавҳаларни ўқиб хулоса чиқаради.

Қўлланмада Юртбошимизнинг она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантириш ҳамда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, баркамол авлодни вояга етказишда оиланинг ўрни тўғрисидаги қарорлари мазмун-моҳияти шарҳланган. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, мустаҳкам оила ва бахтли турмуш, авваламбор, оила қурадиган ёшларнинг ўзига, уларнинг ақл-заковати, маънавий фазилатларига, оила, жамият олдигаги ўз бурчи ва масъулиятини чуқур англаб етишига боғлиқ.

Дилшод КАРИМОВ

ЯНГИ ДАРСЛИКЛАР

ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАКТАБЛАРНИНГ ўқувчиларига МУЎЖАЛЛАНГАН

Аниқ фанларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабларида математика ҳафтасига бир ярим-икки соат кўп ўқитилди. Қўшимча соатларда ўқувчилар қизиқарли, мантқий, ноъанавий масалалар ва олимпиада мисолларини ечиб, билимларини чуқурлаштирадilar. Шу боис ихтисослаштирилган мактаблар ўқув дастурига мос дарсликларга эҳтиёж туғилади.

Яқинда Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи аниқ фанларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабларининг 5—6-синфлари учун янги "Математика" дарсликларини нашрдан чиқарди. Китобларда масалалар тизими мазмунан осондан мураккабга тамойил асосида тузилган бўлиб, ўқувчиларга кейинги таълим дастурларини ўзлаштириш учун замин ҳозирлаб боради. Дарсликлар боланинг индивидуал хусусиятларини

ҳисобга олган ҳолда мустақил тадқиқотчилик қўникмасини шакллантиришга ҳам хизмат қилади. Бундан ташқари, китоблардан аллома-ларимиз ҳаёти ҳамда математика тарихига оид қизиқарли маълумотлар ўрин олгани, зарур адабиётларнинг интернет манзиллари келтирилгани янада қулайлик туғдиради.

Дарсликларни яратишга мактаб ўқитувчилари ҳам жалб қилинган. Хусусан, муаллифлардан бири, математика фанлари номзооди, профессор Мирфозил Мирзааҳмедов ТДИУ қошидаги аниқ фанларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабда дарс берди. Сафар Абдуллаев Ёқидувон туманидаги 43, Гулландом Абдуллаева Бухоро шаҳридаги 23, Абдурашул Ҳақбердиев эса Булуғтур туманидаги 11-мактабнинг математика фани ўқитувчиларидир.

Ғолиб БАХРОМОВ



ПЕШОНАДАГИ БИТИКЛАР



биатдаги ҳолатни, манзара-кечинмани кузатар экан, ноғохон ҳеч қутилмаган, ўзгалар ҳеч таъкидламаган ҳикमत топади. Асло айтилмаган, сира тавсифланмаган фикр-топилдиққа шоир шеърхонни "тайёрлай" бошлайди: ўқиб-таннинг дардини завқли кўзагаб қўяди, унга гўёки ҳеч қим эшитмаган хулоса-ҳикमत ваъда қилади, шунга мисрама-мисра қизқитириб боради. Ниҳоят, шеърнинг

охирда "топилдиқ"ни самимият билан тақдим этади. Жозиб қуйма фикр-ҳукм қалбларни фавқулодда ларзага солиб ўрнашади. Шоир шеъриятида бу каби услубий хосликнинг, оригинал намуналарнинг борлиги қувонарли.

Шоир неча йилларки, инсон руҳиятио кўнгил дардини куйга солади. Унинг "Истиклол" достони, "Елғизлик қўшиғи" шеърӣ тўплами, туркум қияоялари кўпчилик адабиёт ихлосмандларининг қалбидан жой олишга улгурган.

Иҳодкорнинг "Пешонадаги битиклар" деб номланган мазкур тўплами ҳаётга, ота-онага, яқинларига меҳр-муҳаббат, истиқлолмизга ва фарохон турмушимизга шукроналик, ишқ, садоқат, эзгулик, поклик, софлик каби умрбоқий ҳис-туйғулар тараннум этилган шеърларнинг иборат. Уларни ўқир экансиз, дилнингизда милтираб турган чўғ қайта оловлангандай, туманлашган фикрларингиз теранлашгандай, мудраётган инжа ҳисларингиз тетиклашгандай бўлади.

Д.КАРИМОВ

НОМИГА ХОС

Чин истеъдод соҳиблари шунчаки яшай олмайди. Ҳаётда қурган-кечирганлари кўнглининг тубида йғилиб, улкан маъвога айланади. Бу маъвонинг номи эса адабиётнинг. Шеърят гулшанига қадам қўйган зот борки, ўзини инсониятга бахшида этади. Бу унинг асарлари, шеърларида ҳам намоеён. "Академнашр" нашриётида яқинда чоп этилган Гафур Эшмановнинг "Самимият" номили шеърӣ гулдастасини кўздан кечирган киши беихтиёр шулар ҳақида ўйлайди.

Тўпلامдан ўрин олган Ватан, қишлоқ, ишқ, одамийлик туйғулари мавзусидаги шеърларда болаларча соддалик, самимийлик, шу билан бир-

га, фалсафий ёндашув борлиги сезилиб туради. Адабиётшунос Султонмурод Олим китобнинг кириш сўзида муаллиф ҳақида ёзаркан, "Қутилмаган тимсол ҳар қандай шеърнинг чиройини очиб юборади. Гафуржоннинг машқларида ҳам ана шундай тимсоллар бисёр", дея беҳиз айтмаган. Ҳа, муаллиф ижоди ҳақида кўп гапирши мумкин. Келинг, яхшиси, унинг бир тўртлигидан баҳра олайлик.

Кеча гудак эдим, чопардим тинмай. Бугун-чи? Оқ тушди сочингма

шундай.

Сукланди боқаман болажонларга, Умрни ўтказдим хулоса қилмай.

Баҳодир ҲАЛИМОВ




ХАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАРНИ ЎРГАНИНГ

"КОПТОКНИ ҚУВИБ ЕТ"

(Мактабгача ёшдаги болалар учун)

Бу ўйинда болалар чаққонлик ва копток билан ҳаракатлана олишга ўргатилади.

Тарбиячи майдончада ўйнаб юрган болаларни уч гуруҳга бўлади ва уларга юмалати юборилган коптокни тутиб келиш кераклигини тушунтиради. Шундан сўнг бирин-кетин коптокларни турли томонларга юмалатади. Болалар коптокларнинг кетидан



кувиб, уни тутиб оладилар ва тарбиячи келтириб берадилар. Тарбиячи коптокни бир гал бошқа томонга отади ва энди уни бошқа бола олиб келади (расмга қаранг).

Бу ўйинда уч-тўрт яшар болалар иштирок этади. Шу тариқа ўйинга бошқа гуруҳ жалб қилинади. Ҳар бир йўлга 8—10 нафар бола иштирок этиши мумкин. Болаларнинг баравар югуриши учун ҳамма коптокларни бирдан отиш керак. Копток ўрнига резина халқача, қум солинган халтачалардан ҳам фойдаланиш мумкин.

"ҚОПАДИ-КЕТАДИ"

(миллий ўйинлар)

Мазкур ўйин болаларни ҳам жисмоний, ҳам маънавий камолотга етаклайди. Шу билан бирга тез ҳаракатли теозор фикрлашга ўндайди. Ҳар бир бола бошловчи бўлади. Қолганлар эса қўл ушлашиб айлана ҳосил қилиб юрадилар. Бошловчи ўртада ту-

ради ва жойида айланиб, 1 дан 15 гача санайди-да, қўққисдан бир болани кўрсатиб, бирон-бир қўшнинг номини айтади. Номни айтилган қўш қишда Ўзбекистонда қолса, кўрсатилган бола беш-гача саналгунча "қолади" дейиши, агар қишда иссиқ ўлкаларга

учиб кетса, "кетади" деб жавоб бериши керак. Мабодо номи айтилган қўш Ўзбекистонда яшамаса, "яшамайди" деб, агар қишда учиб келса "келади" деб айтиши лозим.

Агар жавоб бешгача саналгандан кейин берилса ёки нотўғри бўлса кўрсатилган бола ўртага чиқиб, ўйнаб, ашула ёки шеър айтиб беради ва кейинги ўйинларда бошловчи бўлади.

УЧ ОЁҚДА ХАРАКАТЛАНИШ

(катта ёшдаги ўқувчилар учун)

Бу ўйин ўқувчиларни биргаликда ҳаракатланишга, иноқ дўст бўлишга ўндайди. Ҳар бир неча иштирокчилар икки кишидан бир неча жуфтлик ҳосил қилишлари мумкин. Жуфтликдаги болаларнинг чап ва ўнг оёқлари бир-бирига боғланади ва қўллари билан бир-бирини ушлаб олади. Барча жуфтликлар старт чизигида туради (расмга қаранг).

Ўйинбошининг ишорасидан сўнг жуфтликлар финиш чизиги томон чопади ва бизни айланиб ўтиб яна ўз жойига қайтади. Ким биринчи бўлиб дастлабки жойига етиб келса, ўша жуфтлик голиб чиқади. Оёқдаги арқон ечи-либ кетса, қайтадан боғланиб яна ўша жойдан югуришни давом эттириш талаб этилади.

"500 ҳаракатли ўйинлар" китобидан олинди.



ОЛИМПИА МЕДАЛИ ҚАЙТАРИПДИ

Халқаро олимпия қўмитаси (ХОК) томонидан америкалик машҳур велопоёғачи Лэнс Армстронгнинг 2000 йили Сидней олимпиядасида қўлга киритган бронза медали қайтариб олинди.

"Associated Press" да ёзилганича, ташиқлотнинг Армстронгга нисбатан бундай ҳуқуқ чиқаришига бироз аввал Халқаро велосипедчилар уюмаси (UCI)нинг қабул қилган қарори сабаб бўлган. Спортчи ҳам UCIга ҳеч қандай эътироз билдирмади.



Маълумки, Армстронг ўтган йилнинг октябрдаги допинг нозарлари боис "Тур де Франс" мусобақаларида қўлга киритилган 7та бош совриндан айрилган.

Шу йилнинг 15 январиди ХОК вакили, Жаҳон антидопинг агентлигининг собиқ раҳбари Дик Паунд агар "Армстронг воқеаси"да UCI раҳбариятининг ҳам алоқаси борлиги аниқланса, велопоёғачи Олимпия ўйинлари дастуридан чиқарилишни тавбақлаган.

СОНИЯЛАР ВА МЕДАЛЛАР ТАФОВУТИ

Биатлон бўйича Италиянинг Антерсельва шаҳрида бўлиб ўтган Жаҳон кубогининг бешинчи босқичидан ўрин олган мусобақада Ванкувер олимпиядаси голиби, словакиялик Анастасия Кузмина зафар кўчди.

У спринтерлик пойғасида 7,5 километрик масофани барчадан илгари босиб ўтди. Кузмина белгиланган икки спринтерлик ҳудудни ҳеч қандай хатосиз 20 дақиқаю 28,6 сонияда ортда қолдириди.

Бу борда иккинчи ўрин финляндиялик спортчи Каис Макарайненга насиб этди. У бир марта хатога йўл қўйгани боис Кузминадан 16,6 сонияга кечикди.

Учинчи ўрин ун аталган бронза медали эса белоруслик пойғачи Даря Домарчевага тақдим этилди. У марра чизгини ҳосил ўтиш учун голияқдан 21,9 сония кўпроқ вақт сарфлади.

НОВАК РАҚИБНИ КУТМОҚДА

Мельбурн шаҳрида давом этаётган теннис бўйича Австралия очик чемпионати ўзининг қизгин палласига кириб бормоқда. Мусобақанинг учинчи турида сербиялик Новак Жокочич еҳиялик Радек Штепанекка қарши кортга чиқди.

Мазкур нуфузли халқаро турнир голиблигига асосий даъвогар сифатида кўрсатилаётган серб ракетчиси Радекнинг уч сет натижаларига кўра, 6:4, 6:3, 7:5 ҳисобида мағлуб этди.

Ҳар бир сетда Новак рақибига бир марта имконият берган бўлса, қолган вақтда аялмай ҳаётдан ҳаётга ўй қўймади.

Учинчи сет спортчилардан энг кўп сабр-чидам ва матонат талаб этди. Ҳисоб 5:5 кўрinishига келган, Жокочич ташаббусни тўла ўз томонига оғдирди ва сўнги икки сетни ҳам ўз фойдасига ҳал қилди.

Энди Новакнинг набатдаги рақиб америкалик Сем Куэрри ва швейцариялик Станислас Вавринка ўртасидан матч голиби бўлади.



МАРД МАЙДОНДА СИНАЛАР

Қуролли Кучларимизнинг 21 йиллиги муносабати билан мамлакатимизда кўпжаъ таълим муассасаларида тадбирлар, мусобақалар ўтказилди. Хусусан, Тошкент вилояти давлат педагогика институтиди мавжуд факультетлар ўртасида "Мардлар майдонда синалади" шиори остида талабалар спартакиадаси бўлиб ўтди.

Спорт байрамининг аввалида сўзга чиққанлар юртимизда ҳукм сураётган тинчлик, яратилаётган шарт-шароитлар, имкониятлар туфайли ташкил этилаётган бундай мусобақалар талабаларда она Ватанга муҳаббат ҳиссини янада кучайтириш билан бирга, ёшларимиз орасида ўзаро дўстона муносабатларнинг

мустаҳкамланишида ҳам муҳим аҳамиятга эгаллигини таъкидлашди.

Муросасиз курашларга бой кечган мусобақаларда учта спорт тури бўйича голиб ва совриндорлар аниқланди. Яъни, спортчи-талабалар тош кўтариш, арқон тортиш ва армрестлинг бўйича ўзаро куч синашдилар.

Мусобақа якунида тош кўтариш ва арқон тортиш бўйича 1-ўринни жисмоний тарбия факультети талабалари эгаллади. Армрестлинг бўйича биринчи ўрин тарих факультети жамоасига насиб этди.

Ўзига хос байрамонга тадбир сўнгиди спартакиада иштирокчилари диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Н.БИБАЕВА,
институт талабаси

ВАТАН РАВНАҚИ — АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ

Ватан туйғуси муқаддас. Бу туйғу инсоннинг маънавиятини белгиловчи омиллардан бири. Ватан туйғуси шу Ватаннинг эгаси бўлмиш халқни биلىшдан, унинг қадрига етишдан, юксак ишларга қодир эканини тан оlishдан, буюкчилигини эътироф этишдан бoshланади. Ҳар бир юртдошимиз, хоҳ спортчи бўладими, хоҳ санъаткор халқаро ареналарга чиққанда бу туйғу унга куч бағишлайди. Ватан бу халқнинг маданияти, маънавияти, маърифати, тили, дини, феъл-атвори, ота-боболаридан қолган олтин меросидир.

Истиклол туфайли Ватан, халқ, ажодлар, ўтмиш, қадриятлар, бугун ва келажак ҳақида сўзлаш имконияти туғилди. Бундай улғу неъматлар қадрига етиш, Ватан дея жон фидо этган Тўмарис, Широк, Спитамен, Жалолиддин Манғуберди, Темури Малик, Амир

Темури сингари ажодларимиз хотирасини ёдга олиш кишига гурури бағишлайди. Инсоннинг маънавий қиёфасида бу туйғулар ўзини яққол намойн қилади. Унда ижтимоий бурч билан белги-ланадиган хатти-ҳаракатнинг энг юқори асослари ҳам ўз акси-

ни топади. Фуқаролик бурчи инсонни Ватан манфаатларини ҳимоя қилишда, меҳнатда, ижтимоий фаолиятда ўз зиммасидаги мажбуриятларни сидқидилдан бажаришга ўндайди. Юртимизда 2013 йилга "Обод турмуш йили" деб ном берилгани бежиз эмас. Барчамизга маълумки, турмушимиз обод экан, юрт тинч, халқ фаровон. Бунинг учун ҳар бир фуқаро онгли равишда ён-атрофда содир бўлаётган воқеаларга бефарқ ва лоқайд қарамасдан, юрт осойишталиги учун ўз ҳиссасини қўшмоғи лозим. Жумладан, Олий ҳарбий божжона институтиди ҳам тингловчиларни Ватан рав-

нақи йўлида муносиб ҳимоячилар, давлат суверенитети ва иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, нуфузини кўтариш ҳамда мустаҳкамлаш йўлида ўз ҳиссасини қўшадиган кадрлар сифатида тайёрлаш борасида профессор-ўқитувчилар, офицерлар томонидан назарий ва амалий билимлар бериб борилмоқда. Билимларни пухта эгаллаш, ўз касбининг етук мутахассиси бўлиб етишиш ёш авлоднинг ўз олдига қўйган энг олий мақсадларидан бири бўлиши керак.

СОБИР АСКАРОВ,
ВАХОБ АЛИБОВ,
Олий ҳарбий божжона институтини тингловчилари

Умумтаълим мактаб ўқувчилари учун дарсликларни қайта нашр этиш юзасидан тендер савдоларига тақлифлар бериш муддатини узайтириш тўғрисида эълон

Халқ таълими вазирлиги томонидан 2012 йил 29 декабрдаги "Ma'rifat" газетасининг 104 (8545)-сониди берилган эълонда "Тендер ҳужжатлари асосида талаб этиладиган барча ҳужжатлар тақлифининг умумий қийматининг икки фоизидан кам бўлмаган закалат суммаси" деб қайд этилган жумла "Тендер ҳужжатлари асосида талаб этиладиган барча ҳужжатлар тақлифининг умумий қийматининг бир фоизидан кам бўлмаган закалат сумма" деб ўқилиши.

2013-2014 ўқув йилига умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни қайта нашр этиш юзасидан Тендер савдоларига тақлифлар бериш муддати 2013 йил 5 февраль соат 14:00 гача узайтирилди.

Тендер тақлифлари 2013 йил 5 февраль кунин соат 15:00 да Республика таълим марказида (манзил: Тошкент шаҳри, Фурқат кўчаси, 174-уй) барча қатнашчилар вакиллари иштирокида очилади.



ОБОД ЮРТ БОЛАЛАРИ

Мактабгача муассасалар ходимлари-ни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш республика ўқув-методика марказида Президентимизнинг "Чет тилларни ўрганиш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш ҳамда 2013 йил — "Обод турмуш йили"да амалга ошириладиган ишларга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ходимлари, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳри ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари мутахассислари иштирок этди. Дастлаб ташкил этилган давра суҳбатиде мактабгача таълим муассасаларида амалга ошириладиган вазифалар ҳамда тарбияланувчиларни чет тилларига ўргатиш бўйича таълим муассасаларида олиб бориладиган ишлар белгилаб олинди.

Шунингдек, тадбир давомида Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур туманидаги 567-мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари иштирокида "Мактабгача таълим муассасаларида соғлом турмуш тарзи" мавзусида очик машғулот ўтказилди. Ушбу машғулотда 2013 йил — "Обод турмуш йили"нинг моҳиятини очиб беришга қаратилган болалар ижросидаги чиқишлар, сахна кўринишлари намойиш этилди.

— Муассасада асосий эътиборимизни ёш авлод қалбига миллий кадриятлар ва урф-одатларимизни сингдиришга қаратаймиз, — дейди таълим маскани раҳбари Мастура Мирсоатова. — "Обод турмуш йили"да болаларимизни соғлом турмуш тарзини ўзида ифодаловчи машғулотлар орқали тарбиялашни режалаштирдик. Бу машғулотлар ўғил-қизларимизнинг соғлом ва баркамол авлод бўлиб вояга етишишида асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Тадбир якунида Марказнинг 2012 йил якунлари ва 2013 йил иш режаси кўриб чиқилди, мактабгача таълим муассасаларига методик адабиётлар тарқатилди.

Гулюз ОРИФЖОНОВА,
"Ma'rifat" мухбири
Бурхон РИЗОКУЛОВ олган суратлар.



Ma'rifat

ТА'СИС ЕТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ та'лими
вазирлиги, Ўзбекистон Олий
ва о'рта maxsus ta'lim
вазирлиги, Ўзбекистон
Та'лим, fan va
madaniyat xodimlari
kasaba uyushmasi
Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Madamin
ARIPJANOV, Jumanazar BEK-
NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV,
Farrux JABBOROV (bosh muharrir-
ning birinchi o'rinbosari), Baxtiyor
YOQUBOV (mas'ul kotib), Mahmuda
MURZAYEVA, Husan NISHONOV
(bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan
USMONOV (bosh muharrir
o'rinbosari), "Учитель Узбекиста-
на", Aleksey CHUKARIN (mas'ul
kotib, "Учитель Узбекистана"),
Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta

Ўзбекистон Matbuot va axborot
agentligida № 0067 raqam bilan
ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416



INDEXS: 149, 150. Г-118.

Tiraj 68198.

Hajmi 4 bosma taqoq.
Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3.

"Ma'rifat"dan materiallarni ko'chirib bosish
tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart.
Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqiriz
qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib — 233-99-15, umumiy
o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-
53-16, fan, o'liy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi
yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat,
kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-
54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari
bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport
yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing
bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda
erkin narxda

Dizaynerlar:
Timur KAYSAROV,
Liliya BINASHEVA.

Navbatchi muharrir:
Zohidjon XOLOV.
Navbatchi:
Jo'rabek JANGIROV.

"Sharq" nashriyot-matbaa
akSIONERLIK kompaniyasi
bosmaxonasi.

Korxonada manzili:
"Buyuk Turon" ko'chasi, 41-uy

ЎЗА якуни — 00.10
Topshirildi — 01.10